



ҚАРОРИ

QARORI

2020 йил “28” декабрь

№ 116/21-6

Бойсун шаҳри

**Бойсун туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2021 йилдан бошлаб халқ депутатлари Кенгашларига маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2021 йил учун Бойсун тумани бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари Бойсун тумани Кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади)

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2020 йил 28 декабрдаги “Сурхондарё вилояти 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 154/VI-19-сонли қарорига асосан Бойсун тумани (кейинги ўринларда Туман деб юритилади) бюджетига Сурхондарё вилояти бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт **50 млрд. 993 млн. 521 минг сўм** миқдорда тасдиқланганлиги;

туман бюджетининг айланма касса маблағи **698 млн. 450 минг сўм** миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган

йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

- цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;
- айрим товарларни чакана сотиш ҳуқуқини бериш учун йиғим;
- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);
- харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

- айланмадан олинадиган солиқ.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда туман бюджети ўртасида тақсимланади:

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи;

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 100 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи туман ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

г) туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ;

д) тумандаги юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғи ҳамда жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қонунга асосан туман бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади;

б) туман бюджетидан:

- фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган

ижтимоий нафақалар;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2021 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 992 млн. 658 минг сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Туман ҳокимлиги, туман молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштиради;

махаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштиради.

8. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

9. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифига асосан, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилишини инобатга олган ҳолда тегишли Кенгаш қарорларига асосан

ишлатилиши белгилансин.

10. Туман ҳокимлиги Қонунга асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.

11. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

12. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

13. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг бошқарув органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ҳамда туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил давомида шаклланадиган қўшимча маблағлари ҳисобидан:

туман ҳокимлиги барча ходимларининг иш ҳақига ҳар ойда бир ойлик иш ҳақи миқдорида;

туман молия бўлими, туман ғазначилик бўлими ва туман Давлат солиқ инспекцияси ходимларига ҳар чоракда бир ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ тўланиши белгилансин.

14. Мазкур қарор “Бойсун” газетаси ва туман ҳокимлиги расмий веб-сайтида эълон қилиниши таъминлансин.

15. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

16. Ушбу Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ депутатлари туман
Кенгаши раиси**



А.Ч.Жўраев



2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
ЖАМИ		50 394 912,0
1	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	880 964,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	2 287 496,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	21 721 686,0
4	Кўшилган қиймат солиғи	
5	Акциз солиғи, жами	12 731 075,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ</i>	3 193 090,0
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 095 041,0
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 903 695,0
8	Юридик шахслар ер солиғи	1 719 669,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	3 133 463,0
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	183 622,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	92 188,0
12	Давлат божи	
13	Жарималар	
14	Ижара тўлови	150 000,0
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	
16	Йиғимлар	2 496 013,0



**2021 йил учун Бойсун тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет
маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг
чекланган миқдорлари**

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	101 388 433,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	101 388 433,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	Халқ таълими бўлими	5 686 245,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 686 245,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	Мақтабгача таълим бошқармаси	4 714 453,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 714 453,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	Соғлиқни сақлаш бўлими	39 796 943,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	39 796 943,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	Маданият бўлими	2 181 538,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 181 538,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5.	Жисмоний тарбия ва спорт	808 093,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	808 093,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	Ирригация бўлими	608 879,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	608 879,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	Ветеринария бўлими	1 065 529,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 065 529,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	Қишлоқ хўжалиги бўлими	560 597,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	560 597,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлинмаси	573 992,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	573 992,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	Меҳнат бўлими	618 257,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	618 257,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	Молния бўлими	695 433,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	695 433,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	Ободонлаштириш бошқармаси	7 360 962,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	7 360 962,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

13.	Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари	36 689 191,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	36 689 191,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	Ижтимоий мослашув марказлари	28 321,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	28 321,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	



Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2020 йил 28 декабрдаги 116/шс сонли
қарорига 3-ИЛОВА

Бойсун туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёри

Фонд ҳисобида

Т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Ягона солиқ тўловни	Яққа тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахсларнинг ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўловлари
1.	Бойсун тумани	100	100	65	100	50	100	100	100	50	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2020 йил 28 декабрдаги 146/216-сонли
қарорига 4-ИЛОВА



**Бойсун туманидаги юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига
мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғи ва жисмоний шахслар учун
белгиланган ер солиғи базавий ставкаларига қўлланиладиган
коэффициентлар**

Т/р	Маҳалла фуқаролар йиғинлари номи	Юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғи ставкаси		Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси	
		Коэффициент миқдори	Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда)	Коэффициент миқдори	Солиқ суммаси (1 кв.м учун, сўмда)
1	ДАШТИГОЗ	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
2	ПУЛХОКИМ	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
3	ГАЗА	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6
4	ХУЖАЙДОД	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
5	ДУОБА	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
6	ИНКАБОД	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
7	ДЕХИБОЛО	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
8	УРМОНЧИ	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
9	КУЛКАМИШ	0,80	18 822 349,9	0,80	177,3
10	БОШРАБОТ	0,80	18 822 349,9	0,80	177,3
11	ШИРИНОБОД	0,80	18 822 349,9	0,80	177,3
12	ПАСУРХИ	0,80	18 822 349,9	0,80	177,3
13	МЕХРИОБОД	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
14	ХУНАРМАНДЛАР	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
15	КУЧКАК	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1

16	БОГБОЛО	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
17	ТУДА	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
18	БИБИШИРИН	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
19	САЙРОБ	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
20	МУНЧОК	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
21	ЧИЛОНЗОР	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
22	ХУЖАБУЛГОН	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
23	ТИЛЛОКАМАР	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
24	ТЕМИР ДАРВОЗА	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
25	ЮКОРИ МАЧАЙ	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
26	УРТА МАЧАЙ	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
27	ДАРБАНД	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
28	ШИФОБУЛОК	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
29	КИЗИЛНАВР	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
30	ДАХНАИЖОМ	0,70	16 469 556,2	0,70	155,1
31	КОСИБЛАР	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6
32	ОБИ	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6
33	ШУРСОЙ	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6
34	МУСТАКИЛЛИК	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6
35	ТОКЧИ	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6
36	АРИК УСТИ	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6
37	ЧОРЧИНОР	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6
38	ТУЗБОЗОР	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6
39	ПОЙГАБОШИ	1,00	23 527 937,4	1,00	221,6